

ЖОШЛИК СЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 август, сешанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 170 (918)

Истиқлол қудратин уйғотган халқим, Эътибор аршида камол топ, балқи!

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

29 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарафидан таъинланган Европада ҳамдўстлик мамлакатлари департаменти директори Антон Круидеринки қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳаллий мутахассислар тайёрлаш, ишбилармонлигини ҳамда хусусий секторни ривожлантириш, хусусийлаштиришни жаҳон талаблари асосида амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини ахшиллашда техникавий ёрдам кўрсатиш борасидаги дастурларини маъқуллади.

қабул учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдириб, ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар тез орада ривож топишига умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси - Бош вазирини ўринбосари У. Султонов, ташқи ишлар вазирини А. Қомилов ва БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди. (ЎЗА).

ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

29 август куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги кунининг уч йиллиги байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ташкилот қўмитасининг раиси И. Журабеков бошқарди.

тадбирларга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Тегишли ҳожимлик, вазирлик ва ташкилот раҳбарларининг шу ҳақидаги ахбороти тингланди.

унинг кўчалари ва хиебонлари ўзгача тароват касб этди. Хусусан, шаҳарнинг Амир Темур ва Мирзо Улугбек хиебонларида амалга оширилган ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари кўзини қувонтиради.

Мажлисида Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда байрам муносабати билан қурилиш, ободонлаштириш ишларининг, 31 август ва 1 сентябрь кунлари мамлакатимиз пойтахтида ўтатиладиган байрамнинг маданий

Серкуеш диеримизда мустақиллик кунига қизгин ҳозирлик қўрилатгани, бу тайёргарлик ўзининг сўнги палласига қиргани, улуг айеми юксак савияда ўтказиш учун жойларда кўп ишлар қилингани таъкидланди.

Мажлисида Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жураев, Бош вазир ўринбосарлари, Р. Юнусов, М. Шарифхўжаев, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳожими К. Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳожими М. Икромов қатнашди. (ЎЗА)

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида хусусийлаштириш ва ишбилармонлигини ривожлантириш мажмуининг кенгаши бўлди. Унда вазирлар, идоралар ҳамда тармоқ тузилмаларининг раҳбарлари иштирок этишди.

тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш негизда очик шаклдаги акционерлик жамиятларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ҳўнгликдаги амалиётни қайд этилди. "Ўзбексавло" уюшмаси ҳамда акционерлик жамиятлари ҳамон кўлигича қолмоқда.

ушмаларга эпик шаклдаги акционерлик жамиятларини асосий жамғармаларида давлат ҳиссаси бўлган ҳолда очик ҳолдаги акционерлик жамиятларига айлантиришни сентябрь-октябрь ойларида тугаллаш тақдир этилди.

Ингилишда эпик шаклдаги акционерлик жамиятлари ва корхоналарни очик шаклдаги акционерлик жамиятларига айлантириш ҳамда уларнинг акцияларини муомалага чиқариш масаласини муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси товар-хонашэ биржасида ҳамда доимий ишлайдиган "Ўзулгужрибир-жасавдо" ярмаркасида олди-сотиш ҳажимини ошириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. (ЎЗА)

Қабул қилинган қарорда вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКАДА ВАЛЮТА БОЗОРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ихтисослаштирилган валюта алмаштириш пунктлари ишнинг натижалари республикада валюта бозорини шакллантиришнинг танланган йўналишлари тўғрисидаги таъкидламоқда. Миллий валютани ички эркин муомаладаги валютага алмаштиришга босқичма-босқич ўтиш учун зарур замин яратилди, бошқа мамлакатларнинг ижобий таърибаси ҳисобга олинди.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакил қилинган банкларга, уларнинг тайёрликларига кўра, нақд "сўм"ларини ЭМВга алмаштириш бўйича ихтисослаштирилган пунктларини очишга рухсатномалар берсин.

Марказий банки вакил қилинган банкларнинг валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш тартиби ва қондалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларга риоя қилишлари, шунингдек, миқозларга зарур шартлар яратилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Шу билан бирга эркин алмаштириш операцияларини ўтказиш ҳўқўқининг фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ташқи иқтисодий алоқалар миллий байкининг ихтисослаштирилган пунктларига берилиши валютани алмаштиришнинг ресурс базасини тораётларида, банк тизмини имкониятларини чеклайди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, нақд "сўм"ларини ЭМВга алмаштириш бўйича ихтисослаштирилган пунктларини очишга рухсатномалар берсин.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, нақд "сўм"ларини ЭМВга алмаштириш бўйича ихтисослаштирилган пунктларини очишга рухсатномалар берсин.

3. Вакил қилинган банкларга хоржий валютага бўлган талаб ва тақлифини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курсини ҳисобга олиб ихтисослаштирилган алмаштириш пунктларида алмаштириш курсини мустақил белгилашга рухсат этилсин.

4. Вакил қилинган банклар ихтисослаштирилган алмаштириш пунктларининг самарали ишлашини таъкил этиш учун миқозлар доирасини кенгайтириш ва юридик ҳамда жисмоний шахслар сўвларига эркин муомаладаги валютани жалб қилиш йўли билан валюта ресурсларини кўпайтириш чор-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакил қилинган банкларнинг валютани алмаштириш операцияларини амалга ошириш тартиби ва қондалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларга риоя қилишлари, шунингдек, миқозларга зарур шартлар яратилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 август

• Диққат: кўрик-танлов ЭЗГУЛИК БЕШИГИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШДА НАМУНА КўРСАТГАН МАҲАЛЛАНИ АНИҚЛАШ, РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИ ИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ўРТАСИДА МАДАНИЙ ВА МАЪРИФий ИШЛАРНИ КЕНГ йўлга қўйиш МАҚСАДИДА "МАҲАЛЛА" ХАЙРИЙ ЖАМҒАРМАСИ ВА "ХАЛҚ СўЗИ" ГАЗЕТАСИ НАВБАТДАГИ "ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА" КўРИК-ТАНЛОВИНИ ўТКАЗИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ.

Бу тадбирни ташкил қилиш, унинг гоилибларини мукофотлаш учун "Маҳалла" хайрия жамғармаси 5 млн сўм пул ажратди. "Халқ сўзи" газетаси саҳифаларида эса танлов дэври оралиғида республика маҳаллалари ва уларнинг фаолиятига доир мақола ва очерклар мунтазам бериб борилади.

Кўрик-танловда республикамизнинг барча маҳаллалари қатнашишлари мумкин. Улар орасидан халқимиз миллий ва маънавий кадриятларини тарғиб қилишда, яхши удув ва эътиборини оммалаштиришда, маҳалла ишини ривожлантириш, юртимизда осийшталанин мустақамлашда, истиқлолимизнинг улғурлигини кўрсатишда фаоллик кўрсатган маҳаллалар аниқланиб, тақдирланади. Кўрик-танловга маҳалладаги ободонлаштириш, оилалар мустақамлиги, ёшлар тарбияси, ёрадама муҳтож оилаларни ижтимоий муҳофазалаш, спортни ривожлан-

тириш, ишчиларини ишга жойлаштириш, маҳалланин моддий асосини яратишда амалга оширилган ишлар, республика мустақиллигининг уч йиллик байрами қандай ўтказилганлиги ҳақида тўлиқ маълумотлар тақдим этилади. "Энг намунали маҳалла" республика кўрик-танлов комиссияси ана шу маълумотларга таяниб ва жойларда аҳолини бевосита ўрганиб хулоса чиқаради, гоилибларни аниқлайди.

Фолиблар учун учта мукофот таънис этилган. Биринчи ўринни эгаллаган маҳалла 1000 сўм, иккинчи ўринга лойиқ маҳалла 750 сўм, учинчи ўринга сазовор бўлган маҳалла эса 500 сўм пул билан мукофотланади. Шунингдек, кўрик-танловда фол қатнашган 11 та намунали маҳаллага 250 сўмдан рағбатлантиришчи мукофотлар берилади. Кўрик-танлов шу йилнинг 25 ноябригача давом этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ-ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган кунининг уч йиллиги муносабати билан Сизни самийий кутлаб, мамлакатингизга фаровонлик ҳамда халқингизга бахтли ҳаёт тилаймиз.

Роман ХЕРЦОГ,
Германия Федератив Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ-ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент!
Биз, Вашингтон университетининг 1994 йилда Урта Осиё тиллари ва маданиятини ўрганиш етқи дастури муаллими ва талабалари Сизни ва қадим ўзбек халқини улуг байрам — Мустақиллик кунин билан чин юракдан таъриқлаймиз.

Ўзбекистон ҳақиқ равишда жаҳон маданиятининг ўчоқларидан саналади. Ўзбекистоннинг ўзига хос йўли борлиги жуда улуг ишдир. Чунки бирорлар йўли билан эмас, ўз йўли, ўз кучи билан олга юриш мумкин. Ўзбекистон дунёда ўзига муносиб ўрин эгаллашга ишонамиз.

Уч йил — гоит қисқа муддат. Ўзбек халқининг эса узоқ ва шарафли тарихи бор. Сизларда Гарбдан илгарроқ демократия мавжуд эди. Жумҳурият Президентининг "Маҳалла" деб ном олган қадимий ижтимоий жамоа шаклини кучайтиришдан талбирлар белгилагани бизга жуда маъқул бўлди. Инсоний тарихда бундай ижтимоий жамоа жуда ноёбдир. Оврпуда ва Америка ҳам улдан ўрнак олга эрмайди. Чунки у одамларни биравштиради ва эзгуликка чорлайди.

Ўзбек тилини ўрганаётган биз, Америкаликларнинг дилимизда қадимий ватанингизга нисбатан эзгу тиллақлар бисер. Биз ўзбек халқининг тарихи, тили, маданияти ва санъатига қизиқамиз. Шоир ва олимлар ҳаётини ўрганиш ниётидамыз. Айни чоғда ўзбек адабиёти намуналарини таржима қилиш истагимиз ҳам бор.

Шундай кутлуг кунда ўзбек халқига қалб сўзларимизни изҳор этмоқдан гоит хурсандим. Ўзбек халқи мустақил, ҳур, ўз динига ва ижтимоий урф-одатларига содиқ давлат сифатида мангу собит туради, деб умид қиламыз.

Сизлардаги Вашингтон университети Урта Осиё тиллари ва маданияти етқи дастурининг бир гуруҳ муаллими ва талабалари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ўТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING АҲБОРОТИ

1994 йил 29 августда К. А. Ахмедов раислигида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

30-Октябрь округ комиссиясининг округдаги бир қанча мекнат жамоаларининг тақдирлари ва бошқа материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари М. Б. Умурзоқовни депутатликдан чиқариб олишни ўтказилган овоз бериш натижалари тўғрисидаги мажлиси баенни кўриб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси шунга қарай эътибор қилиб, халқ депутатлигинида қириб олганга талбирлар билан боғлиқ ҳамма тадбирлар "Ўзбекистон Республикасида халқ

депутатини қириб олиш тартиби тўғрисидаги қонун талабларига тўла қириб олганга амалга оширилган.

30-Октябрь округ комиссиясининг округдаги бир қанча мекнат жамоаларининг тақдирлари ва бошқа материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари М. Б. Умурзоқовни депутатликдан чиқариб олишни ўтказилган овоз бериш натижалари тўғрисидаги мажлиси баенни кўриб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси шунга қарай эътибор қилиб, халқ депутатлигинида қириб олганга талбирлар билан боғлиқ ҳамма тадбирлар "Ўзбекистон Республикасида халқ

депутатини қириб олиш тартиби тўғрисидаги қонун талабларига тўла қириб олганга амалга оширилган.

30-Октябрь округ комиссиясининг округдаги бир қанча мекнат жамоаларининг тақдирлари ва бошқа материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари М. Б. Умурзоқовни депутатликдан чиқариб олишни ўтказилган овоз бериш натижалари тўғрисидаги мажлиси баенни кўриб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси шунга қарай эътибор қилиб, халқ депутатлигинида қириб олганга талбирлар билан боғлиқ ҳамма тадбирлар "Ўзбекистон Республикасида халқ

депутатини қириб олиш тартиби тўғрисидаги қонун талабларига тўла қириб олганга амалга оширилган.

"Халқ сўзи" анкетаси

1. Шаҳсан ўзингиз, жамоангиз улуг байрамни қандай туйғулар билан кутиб олаётсиз?
2. Сизнингча, шу уч йил давомида рўй берган қайси ўзгаришлар энг муҳим ва негати?
3. Истиқлолимизни янада мустақамлаш учун, айниқса, тўла иқтисодий мустақилликка эришиш учун бундан буюн қандай юмушларни амалга ошириш керак, деб ўйлайсиз?

беришини ана шу усулию тест синовиридир.

Ўзгаришлар анча. Уларни санаб адоғига етолмайсан, киши. Айниқса, фундаментал фанларга катта эътибор берилаётгани кишини қувонтиради. Ҳақто Фанлар академиясининг

ўзлаштирилганларидан сўнг келажакда қайси соҳа мутахассиси бўлиб етишишларини аниқлайдилар. Иккинчи курс охирида глобал тест синовидан ўтганларидан кейин мутахассисликлари бўйича бошқа факультетларда сабоқ оладилар. Ва ўша

технологларни билим ва тил билишлари жиҳатидан жаҳон андозалари даражасига кўтаришга қизмат қилади. Бундан ташқари институт раҳбарияти халқроқ олий мактаб фанлари академияси билан ҳам алоқа борлади. Ана шу академия олимлари ўз маърузалари билан малакали кадрлар тайёрлашнинг кўмаклашишида, деган ниётидамыз.

Олимларимиз яратётган кашфларини киме ва озик-овқат сановитига кенг таъдиқ этиш ниётида институт қонид "Технопарк" ташкил қилинди. Кичик корхоналар очишу уларнинг ишини муқобаллаштириб туриш ҳам ана шу "Технопарк" зиммасида.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮБИЛЕЙ ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаш юзасидан 1994 йил 1 сентябрдан ҳар бирининг қиймати 10 сўмлик иккита юбилей тангаси муомалага чиқарилади.

Оқ рангдаги, қиймати 10 сўмлик юбилей тангаси Ag 99,9 пробили, вази бир унция — 31,103 граммдан иборат кумушдан тайёрланган. Сарик рангдаги юбилей тангаси мис-никел қотишмасидан тайёрланган бўлиб Au 99,9 пробили олтин (10

миллиграмм) билан қопланган, вази 28,28 граммдан иборат.

Юбилей тангалари диаметри 38,6 миллиметрлик доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томонида айланасида бурчқ хошия бор.

Оқ рангдаги, қиймати 10 сўмлик юбилей тангаси мис-никел қотишмасидан тайёрланган бўлиб Au 99,9 пробили олтин (10 миллиграмм) билан қопланган, вази 28,28 граммдан иборат.



ВАТАНГА ИЛМЛИ КАДРЛАР КЕРАК

Тўлқин МИРКОМИЛОВ, Тошкент-киме-технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор:

Мустақиллик ҳақида ўйласам, ҳаминча хаёл-лимдан буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, булбулга тикондек ошмен бўлмас эмниш", мисралари эсимга тушаверади. Бунга қарангки, тугкуллик нафақат инсонга, ҳақто жониворларга ҳам хуш екмаскан. Истиқлол — буюк неъмат. Ота-боболар орузи. Бунга авайлаб асрашу қадрлаш керак.

камол топаверади. Шу боис илмоҳимизда талабалар билимини баҳолашда рейтинг усули қўлланилган. Бу ҳар бир дарсин чуқурроқ ўрганишга, уни ҳаётга таъдиқ этишга ундайди. Бундан ташқари уч семестрлик ўқув жаранига ўтганмиз. Бунинг афзал томони шундаки, ўқувчиларнинг олдин билимини текшириш осон кечади. Ўқувчи дарсларини унутиб юборишига имкон берилмайди. Натижада талаба ҳам, ўқитувчи ҳам ўз устида ишлашга мажбур бўлади. Шу ўтган уч йил ичида истиқлол бизга кўп нарса берди. Шулардан бири сабоқ

йиғилишида республикамиз Президентини ривожлантириш ҳаёт тақозоси эканлигини таъкидлаб, "Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, фундаментал таъдиқотлар унинг илдизидир. Бу илдиз қанчаллик чуқур, бақувват бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб, яшнайдди, кўп ҳосил беради", дегандилар. Ана шу хулосалардан келиб чиқиб, институтимызда фундаментал фанлар факультетини ташкил этганмиз. Биринчи ва иккинчи курс талабаларимиз ана шу факультетда фундаментал фанларни

Мамлакат келажаги ешлар

АВВАЛО, КЕЧАГИ КУНГА БИР НАЗАР

Умуман олганда, XX аср ҳам хилма-хил фожеаларга "бой" бўлганлиги билан аввалгилардан ажралиб туради. Сиесий фожеалар ҳақида, иқтисодий ва ҳарбий фожеалар билан тугатиш, жамият ривожланишига қатта салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, бундай воқеалар биз яшаб турган заминимизда ҳам қайта-қайта такрорланди.

Асримиз бошларида юз берган сиесий тўқнашувлар натижасида Россия империяси ва хонликлар агардрилиб, уларнинг ҳаробалари ўрнида кўплаб қурбонлар эвазига Совет давлати пайдо бўлди. Бу албатта, қоризм империясига нисбатан прогрессив бир ҳолат эди. Лекин янги социалистик жамият барпо этиш мақсадида устма-уст синовлар ўтказиб "эски" ишлаб чиқариш муносабатларини парчалаш билан овера бўлди. Яъни, бутун мамлакатда коллективлаштириш, индустриаллаштириш ва бошқа сиесий андазалар амалга оширилди. Бунинг натижасида очлик, парокандалик юз берди. Бу эса табиий, халқ нафратини уйғотди. Уруш тугайли берилган катта қурбонлар, ундан кейинги ва янги вақтларгача ўтказиб келинган ҳар хил самарасиз иқтисодий ислохотлар халқимизнинг тинкума мадорини кўришти. Булар ҳаммаси истиқлол садосини яқинлаштирмакда эди.

Бундан бери ушбу уч йил илгари биз маънавий ва иқтисодий жиҳатдан асосан куйидаги аҳволда эдик: 1990 йили иттифок бўйича аҳоли жон бошига ҳосил қилинган миллий даромад 2230 сўмни ташкил этса, республикамизда 100 сўм эди, ҳоло. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Туркияда 2256 доллар ва АҚШда 19 минг долларни ташкил этган.

Уз-ўзидан кўришиб турибдики, республикамизда ислохотларнинг пойдевори нисбатан жуда заиф бўлган. Айрим "сайеҳлар" чет эл сафаридан қайтгач, у ерда юз йиллар мобайнида барпо этилган ноз-неъматлар хилма-хиллигини кўришиб, биздаги етишмовчиликлардан нолиб қолишди. Ваҳоланки, республикамиз иқтисодий салоҳиятини АҚШ, Япония, Англия билан тўғридан-тўғри таққослаш ақл бовар қилмайдиган бир ҳол. Америка Қўшма Штатлари худди биз бошимиздан кемираётган бутунги босқични 200 йил муқаддам ўтиб бўлган... Мамлакатимиз эса худди ўша даврдан буюн талон-торожчилик манбаига айланган эди.

Биз эндигина қадимизни тиклаб олмакдамыз. Шундай даврлар келадик-ки, ўз иқтисодиятимиз, маънавиятимиз ва маданиятимиз билан ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаймиз. Бунга заррача гумонимиз йўқ. Фақат бир ҳақиқатни унутмаслик керак, ривожланишнинг асосий манбаи ҳалол меҳнатдир. Меҳнат эса жамияти бойлакларнинг "отасидир". Меҳнаткаш халқнинг меҳнат қилишига шараф ярати бериш мустақилликнинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Мана уч йилдики, мустақил республикамиз иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган, янги ижтимоий муносабатлари ифода этаятган бозор иқтисодиёти ҳаётимизнинг барча жабҳаларидан муносиб ўрин эгаллаётган даврнинг таъсири доирасида ривожланмоқда.

Бу давр содир бўлган сиесий, ижтимоий, иқтисодий кийинчиликларга қарамай мамлакатимиз тараққиети тарихида муҳим из қолдирувчи босқич сифатида ажралиб туради. Маълумки, ўтмишда бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёни қатта таллоқлар, тўқнашувлар, қурбонлар бериш эвазига содир бўлган ва унинг оқибатларини бартараф этиш кейинчилик кўп вақтни талаб этган. Шукри, бундай ҳафли жараён бизнинг мамлакатимизда ларзаларсиз,

шикастсиз ва қурбонларсиз, оқойишталик билан ўтиб бормоқда.

Киес қилайлик, СССР парчаланиб кетгач, иқтисодий алоқаларнинг узилб қолиши оқибатида юзага келган кийинчиликлар, ҳамма собиқ республикаларга тааллуқлидир. Лекин бу кийинчиликларни ечиш йўлларини излаб топшиш уларнинг ҳар бирида ўзгача. Шу тугайли мамлакатларда барқарорликни таъминлаш даражаси ҳам ҳар хил. Бизда эса бунга эришиш учун республикамизнинг ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қатор аниқ тадбирлар амалга оширилди.

ОЙДИН ЙЎЛ

Энг муҳим тадбирлардан бири Президентимизнинг республикамиз стратегик йўлини



Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, иқтисод фанлари доктори

ИСТИҚЛОЛ САБОҚЛАРИ

Республикамиздаги иқтисодий жараён учиб бораётган ҳаво кемасини эслатади. Унинг тезлигини ичкарида ўтирганлар учқалик сезинмайдилар. Уни фақат ерда, ташқарида турганларгина фаҳмлашади, тўлиқ ҳис этишади.

кўрсатиб берган қатор асарларнинг чоп этилиши бўлди. Бу асарларда биринчидан, республикамизнинг бозор муносабатларига ўтишининг назарий-мафкуравий йўли аниқлаб берилди. Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойиллари тақлиф этилиб, уларни босқичма-босқич амалга ошириш технологияси тавсия этилди. Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг аниқ режалари ишлаб чиқилиб, булар ҳукумат қарорларида ўз ифодасини топти. Туртинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг аниқ режалари ишлаб чиқилиб, булар ҳукумат қарорларида ўз ифодасини топти. Туртинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг аниқ режалари ишлаб чиқилиб, булар ҳукумат қарорларида ўз ифодасини топти.

Аввало, ўзимизнинг мустақил давлатчилигимиз барпо этилди ва унинг идора этувчи ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакатимизнинг Асосий қонуни, давлат ва жамиятимизнинг мақсад ва вазифаларини белгилловчи ва тартибга солиб турувчи бир қатор қонулар қабул қилиндики, булар мамлакатимизнинг демократик йўл билан ривожланиши учун шарафит яратди.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларда мамлакатимиз учун муқола янги мулкчиликнинг ҳар хил шакллари бўлиши — хусусий мулк ва кўп укладли мулк, дунси сари дадил қаддам ташлаётган очик иқтисодиёт пайдо бўлди. Янги тарздаги молия, банк-кредит, тижорат тизимлари вужудга келмоқда.

Булар тугайли мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси кучайиб, чет эллик сармога эгаларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ва уларнинг олиб келаётган сармояларининг ҳажми кўпаймоқда ва кенгаймоқда. Демократик давлатнинг тегишли тизимлари шаклланди.

Бу йўналишларда олиб борилаётган фаоллик фуқароларимизнинг дунёқарашларида, ҳаётга муносабатларида ижобий силжишлар юз беришига сабаб бўлади. Энг муҳими, одамлар бозор иқтисодиёти зарурати тобора тереңроқ фаҳмламоқдалар.

Маълумки, авваллари инсон муаммосига ўз-ўзидан ҳал бўладиган муаммо деб қаралар, бу соҳада ҳар бир республиканинг ўз хусусиятлари мавжудлиги назар-пайсанд қилинмас эди. Марказий Осиё ва хусусан, Ўзбекистонда аҳолининг ўсиши собиқ СССРга нисбатан, йилга 2,7—3 фоизни ташкил этса, Болтқубўйи республикаларида пайсаий юз берганди. Бунинг натижасида бизнинг минтакамизда қатор янги муаммолар юзага келдию,

туради. Бу эса мамлакатимизда янги типдаги халқ ҳўжалик тизими яратилишини талаб этади. Табиийки, оддий талаблар билан бундай муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Қийинчиликларни ҳаққоний тафаккур этиб, уларни бартараф қилиш йўлларини излаш эса олдимизда турган муҳим ва жиддий вазифадир.

Барпо этилган иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятини ардоқлаш, ундан самарали фойдаланиш истиқлол пойдеворидир. Айниқса, иқтисодиётимизнинг асоси бўлган мулкни асраш ҳам муҳим муаммодир. Лекин мулкнинг хусусийлаштириш ниқоби остида айрим мансабдор шахслар томонидан ўзлаштирилиши ҳоллари жамият иқтисоди ва маънавиятига пугур еткамоқда. Иттифок йилларида илдиэ отган порахўрлик истиқлол мафкурасини шакллантиришга маълум маънода салбий таъсир кўрсатмоқда. Президентимизнинг бундай тубанликка қарши олиб бораётган амалий тадбирлари халқимизнинг руҳини кўтармоқда.

ҚУДРАТЛИ ОМИЛ

Миллий валюта ҳар бир давлатнинг мустақиллигини белгилайдиган воситалардан биридир. У қанчалик қарли ва мустаҳкам бўлса, ўша давлатнинг обрўси ҳам шунча юқори, иқтисодий, сиесий барқарорлиги ҳам шунча мустаҳкам, нарх-наво доимий ва арзон бўлади.

Пулни келиб чиқиси жуда мураккаб ижтимоий жараёнлар тарихи билан боғлиқ. Бунинг сабаблари эса кўп ва ҳўб тахлил қилинган. Лекин бу жараёнларни бизнинг аждодларимиз сингари содда ва аниқ ифодалаб берган муаллифлар кам учрайди. Хусусан, Абу Райҳон Бериунининг "Қитоб ал-жавоҳир фи маърифат ал-жавоҳир", "...талабларнинг ошиши ва уларнинг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши, шунингдек, баъзан бировнинг бошқада бўлган нарсага муҳтожлиги — булар ҳаммаси одамларни ўша нарсаларнинг умумий қийматини топишга, айрим ҳолларда унинг ўрнига ўтадиган бадалини (яъни пулни) (И. И.) топишга олиб келган". Аслини олганда, бу кашфиет қиймат қонунининг ҳозирги "сиесий иқтисод" фанидан ўрин эгаллаган А. Смит, К. Маркс назарияларидан қарий миңг йил аввал аниқланган илмий изохидир.

Республикамизда миллий валютага ўтиш жараёни халқларимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилди ва ниҳоят Президентимиз И. А.

Каримовнинг Фармониға асосан шу йил 28 июндан бошлаб миллий валютамиз муомалага киритилди. Бу, албатта, мамлакатимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирдиган муҳим сиесий воқеа бўлди. Уни республикамиз аҳолиси зўр мамнуният билан кўтиб олди. Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири қайта-қайта таъкидланаётганидек ана шу миллий валютамизнинг қийин, харид қобилиятини белгилаш, унинг жаҳон миқёсидаги ўрни, қадрини ҳайка қўйишидир.

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР...

Иқтисодимизни қувватга киргизадиган омиллардан яна бири халқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш қувватларидан мукамал фойдаланишидир. Шубҳасиз, собиқ империя парчаланиши билан иқтисодий алоқаларнинг барбод бўлиши бу жараёнга қатта зарар етказди. Лекин фақат учун рўқач қилиб, қараб ўтиравериш ҳам ярамайди. Кўпчилик ишбилармонлар бундай ҳиссегатта чек қўйиб, жаҳоннинг турли мамлакатлари

билан алоқалар ўрнатмоқдалар. Бунда халқимизнинг "Қимирлаган қир ошар" деган доно нақлига таяниб иш тутмоқ лозим.

Қолаверса, мамлакатимизда битмай етган қўпгина қурилиш иншоотлари мавжуд. Масалан, Бўстонлик туманининг тоғ зоналаридаги, "эгасиз" қурилишларни қўриб, юрагинг эзилди. Ахир, бу иншоотлар учун давлатнинг миллионлаб сармояларини сарфлаган, уларни ишга тушириб, соноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари бунёд этилса, нур устига нур бўлар эди. Бу тадбирни амалга оширишда давлат мулкни хусусийлаштириш сиесати айна мудоао бўлади. Лекин бу тадбир маданий ва маърифий тарзда, халқ манфаати билан шахс манфаати уйғунлаштирилган ҳолда амалга ошириш жоиз. Айрим ҳолларда бунинг тескариси ҳам юз бермоқда. Хуллас сарф қилинган сармоя доимо ҳаракатда бўлиб, фойда келтириб туриши зарур.

ПУЛИМИЗ — ГУРУРИМИЗ

Миллий пулимизнинг доимий ҳаракатда бўлишигини таъминлаш ҳам иқтисодий юксалишининг энг муҳим омилларидан биридир. Айни кунда қатор тадбирлар амалга оширилиши тугайли миллий пулимизнинг қадр-қиймати кундан кунга кўтарилаётган. Масалан, авваллари 1 Америка доллари 22 сўмга сотилса, эндиликда бу кўрсаткич 17 сўмга тушди. Ёки деҳқон, бозорда бир килограмм гўшт 40 сўмга сотилган бўлса, энди давлат дўконларидаги нарх билан тенглашмоқда. Бозор иқтисодиётнинг асл моҳияти ҳам мана шунда — рақобатда.

Бу жараёнга ижобий таъсир этувчи яна бир омил фуқароларнинг ҳаракатсиз ётган пул жамғармаларини ҳар хил фойдаланиш мақсадлар учун ишлатишидир. Қуруқ пулни сақлаб қўйиш ўлик молни сақлаш билан баробар. Шунинг учун нақд пуллари товарлар ишлаб чиқаришга ва харид этишга сарфламоқ лозим. Эсимда, бир пайтлар Президентимиз фуқароларимизни ўз нақд пуллариға товар ва махсулотлар олиб қўйишга чақирган эди. Ким ўша чақиривқа амал қилган бўлса фақат наф кўрди. Чу ки ўшанда нарх-наво республикамизга боғлиқ бўлмаган сабабларға асосан кўтарилиб кетаётган эди.

Маърифий асосда товарларни арзонга келтириб қимматроққа сотиш илмини ҳам чуқурроқ ўзлаштиришимиз керак. Фуқароларимизнинг ўз пуллариинг хеч бўлмаганда жамғарма банкарларида сақлаши ҳам фойз ҳисобидан наф келтиради. Бундан энг аввало фуқаролар манфаатдор бўлади. Қолаверса, банкарлигимиз тўлов фаолиятига кўмаклашган бўламыз. Биз, барқарорлигимизнинг қаролати бўлган мустақил давлатимизни мана шундай йўллар билан қўллаб-қувватлаб туришимиз лозим.

Шу ўринда яна бир нарсга эътиборни қаратишни истаймиз. Пулимизнинг қуввати кўтарилиб борган сари унинг харидорлари босқича мамлакатларда ҳам кўпаймоқда ва валютамизни ўзларининг қадрсиз валюталарига алмаштириб олиш иштенки кучаймоқда. Бу қандай оқибатларға олиб келиши мумкин? Борди-ю, миллий пулимизнинг бир қисми шундайлар қўлга ўтиб кетса, шубҳасиз яна банкарлигимизга пул тушиши камайиб, бозорларимизда нархлар кўтарила бошлайди. Банкарлигимизнинг тўлов қобилияти пайсаёғ эса, инфляция ҳаффи тугулади. Шунинг учун пулимизни эъзолаб, уни "емон қўзлардан" химоя этишимиз зарур экан. Бу ҳам мустақиллигимиз мустаҳкамланишига кўшган ҳиссамиз бўлади.

Хуллас, республикамиз ўзининг уч йиллик тўйини муносиб натижалар билан кўтиб оляпти. Шу қисқа даврда бажарилган ишлар эса қиес қилиб бўлмайдиган даражада қаттадир. Бунга республикамиз фуқаролари ҳам чуқур ҳис этишмоқда.

Бундан ташқари байрам арафасида шаҳарликларнинг қирқ нафарига янги уйлариинг қалитлари ҳамда 800 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топирилиди.

Ислохот одимлари

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН Денов ёг-экстракция заводи "Сурхонозиқовқатсаноати" комбинатиға айлангирлиди

Аҳолининг совуғга бўлеан эҳтиёжи тўлиқ қондирилади. Яна 600 киши иш билан таъминланади. Япония усқуналари монтаж қилиняпти.

Ушбу корхонанинг биринчи навбати 1962 йилда ишга туширилган бўлиб, бир кеча-кундузда 340 тонна чигитни қайта ишлаш қувватиға эға эди. Ордадан ўн икки йил ўтгач, унинг иккинчи навбати ҳам ишлаб бошлади ва бу билан унинг қуввати қарий икки баравар ошди. Ҳозир бу ерда йилга 250 миң тонна чигит қайта ишланмоқда.

Деновда тайерланаётган ўсимлик егининг 30 фоизи сурхондареликлар эҳтиёжини қоплашға етади. Унинг қолган қисми эса республикамизнинг бошқа вилоятлари аҳолиси учун сотилмоқда.


Ушбу завод яқинда "Сурхонозиқовқатсаноати" комбинатиға айлангирлиди ва унинг услубида кескин ўзгиртишлар қилинди. Усимлик мойи, қунжара ва шелухадан ташқари кўп миқдорда қандолатчилик махсулотлари ҳамда хўжалик совуни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни пайтда комбинат қошида яхна ичимликлар тайерланадиган корхона қуриши бошлаб юбордик. — дейди корхона раҳбари Очидди Қодиров. — Асбоб-усқуналар Япониядан келтирилиди. Ишчи кучи, коммуникация ва ҳам аше эса биздан...

Комбинат қошидаги қандолатчилик фабрикасида ўтган йил 400 тонна махсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шу йилнинг 8 ойида бу кўрсаткич 300 тоннани ташкил қилди. Йил охиригача яна 300 тонна махсулот тайерлаш қўзда тутилган. Жорий йилнинг сўнги чорағида хўжалик совуни ишлаб чиқарадиган цех ҳам ишга туширилиб, сурхондареликларнинг совуғга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Тўғри, совуң цехи қурилиши бундан ўч йил олдин бошланган эди. Лекин тозалаш иншоотлари муаммоси ҳал қилинмаганлиги боис цех анча вақт тўла қувват билан ишлаб олмади. Яқинда комбинат бу борада Россия билан шартнома тузди.

Хисоб-китобларға қараганда корхона 8 ой мобайнида 33 миллион 500 миң сўмлик махсулот тайерлаши лозим. Биринчи ярим йиллик ақунида олинган соф даромад 2 миллион 300 миң сўмни



Уйчи туманида жойлашган кўз касаликларни шифохонасининг 1-тоғали ҳақими Мухаммаджон Абдуллаевни кўпчилик унинг ширин сўзлиги, ўз ишининг фидоиси сифатида жуда ҳурмат қилади. Чўнки у шу шифохонанинг бўлим мудири сифатида беюморлар тереққо соғайиб кетиши учун бор билим ва тақрибасини ишға солимоқда. Сўрагач: Мухаммаджон Абдуллаев. Т. ҲАМРОҚУЛ тасвир.

Тадбиркорлик УСТАХОНАДА ИШ ҚИЗ ГИН

Айрим хўжалик раҳбарлари эҳтиёт қисмлар йўқ, шу сабабли техника тўхтаб турибди, деб нолиётган бир пайтда Чиноз туманининг "Эшновобод" жамоа хўжалиги устaxonасида трактор ва бошқа машиналарни таъмирлаш ишлари қизгин бормоқда. Россиянинг Олтой ўлкасида бу ерға керакли эҳтиёт қисмлар келтирилиди. — Россия корхоналари билан тузилган шартномаға мувофиқ, қишлоқ хўжалик махсулотларини эҳтиёт қисмлар, еғоч ва бошқа бинкорлик материаллариға алмаштиришимиз, — дейди жамоа хўжалигининг бош иқтисодчиси Алиакбар Абдусатторов. — Биз мавоза хисобидан қурилиш учун зарур бўлган, шунингдек бошқа материаллар олмақчимиз. Шерикларимиз бизни ноқулай аҳолага солиб қўзғатами йўқ — Пахта терими масумиғача ҳамма техникани тахт қилиб қўзғатди. Шериклардан тўққиз ярим миллион сўмлик эҳтиёт қисм олдик. Эвазига Олтой ўлкасида иккита КамАЗ машинасида пивэ жўнатдик. Чўнки, ишондик ҳамкорлик — муваффақият қалити эканиға аминимиз.

Ҳ.ШЕРОВА, Тошкент вилояти.

Қисқа сатрларда

ТАРАДДУД ДЕНОВАдаги барча меҳнат жамоаларида, қўрғон ва маҳаллаларда мустақиллик байрамиға қизгин тайергарлик кўрилмақда. Мавжуд хисоб ва истироҳат боғлари сайл катнашчилари учун шай қилиб қўйилди. Байрам қўнларида эса шўх ва шўх қўнларда эса шўх қўнлардан қарорига қўра, энг яхши маҳалла, хонадон, истеъдодли иждо рочилар, иждоқорлар ва хунамандлар кўрик-танлови бўлиб ўтади.

Бундан ташқари байрам арафасида шаҳарликларнинг қирқ нафарига янги уйлариинг қалитлари ҳамда 800 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топирилиди.

ташкил қилди. Даромадга қараб буромад дейдилар. Комбинат ўз маблағи ҳисобидан икки миллион сўмлик капитал қурилиш ишларини бошлаб юборди.

Бу ерда 1200 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Агар бошланган ишлар ақун топса, яна 600 киши иш билан таъминланиши мумкин. Йлгари комбинат ишчилари шўн шаҳар умумий оғваланиши корхонасиға қарашли учта ошхона хизмат қиларди. Ёрдамчи хўжалик ташкил қилинганидан кейин ишчилар ана шу хисобдан озик-оғват ва мева-сабзавот билан таъминлана бошладилар.

Ошхоналаримиздаги нархнаво жуда арзон, — дейди корхона раҳбари. — Ёрдамчи хўжалигиғиғи 140 бош қорамол бор. Гўшт ўзига миздан чиқадилар. Мева ва сабзавотларни эса жамоа ва фермер хўжаликларидан махсулот айирболаш йўли билан оламиз.

Комбинатни оёққа турғазишда Очидди ақанинڭ алоҳида хизмати бор. У ўн йил ана шу заводда раҳбарлик қилди. Кейин уни вилоятға маъсул лавозимларға тақлиф қилишди. Мана бир йил бўляптики, яна ўз қадрдон корхонасида.

Комбинат жамоаси мустақилликнинг уч йиллигиға қатта тайергарлик кўрғати. Уша кўни Денов шаҳрида барча деновликлар қатори комбинат ишчилари ҳам еғуғ юз билан иштирок этишади.

Иснат ХУДОЕВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

Изланганга илмон бор

ҚАЛОВИНИ ТОПИШАПТИ

Балиқ консервалар шўн балиқнинг ўзидан ташқари туғуна ва аммиак, лак ва бошқа махсус бўёқлар, қоғоз ва туз, томат ҳамда шакар, турли зирворларға яна турфа хил қўшимчалар зарур.

Мўйноқ балиқ соноати ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўз корхоналарида чиқариладиган консерваларни тайерлаш учун керакли бўлган ушбу махсулотларни деярли тўлиги билан қўшни давлатлардан ташиб келтирмоқда. Таъминловчи корхоналар билан тузилган шартномаларға мувофиқ, бирлашма бу махсулотлар эвазига тегишлича балиқ консерваларини етказиб беради.

Денгиз сувининг узоқлашиб, балиқчилик учун ноқулай бир вазиятнинг юзага келганлиги сабабли, бирлашма нафақат қўшимча ашеларни, балки балиқнинг ўзини ҳам сиртдан овлашға мажбур бўлмақда. Масалан, шу йилнинг ўзида Туркманистондан 680 тонна, Қозғистондан 1600 тонна балиқ келтирилган бўлса, ички сувлардан овланган балиқ эса... 330 тоннани ташкил қилди.

Узаро хисоб-китобнинг юқоридаги кўриниши бирлашмада ишлаб чиқариш тўхтаб қолишининг олдини олишға қаратилган бир химоя воситасидир. Айтиш жоизки, бу хил тадбирлар ўзининг анча-мўч а ижобий самараларини ҳам бермоқда. Иттиланганга толе ер, дейишлари бежиз бўлмаса керак. Мўйноқ балиқ соноати ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бу йил ўтган йилға нисбатан 50 фоиз ортиқ, яъни, қарий 14 миллион шартли банка балиқ консервалари тайерлашға аҳд қилишган. Бирлашма бош мутахассисларининг ишонтириб айтишлариға қараганда, бу вазифаларни урдаласа бўлади.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, "Халқ сўзи" муҳбири.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП

Кўкон шаҳри меҳнаткашлари истиқлол байрами арафасида алоқачилардан ажойиб совға олдилар. Бу ерда эски 7200 номерли телефон станцияси ўрнида Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси билан ҳамкорликда қурилгн 10 миң номерли ТДНҚС — I-10 рақамли телефон станцияси ишлай бошлади. Янги станция шаҳарда телефон алоқасини яхшилаш билан бирға ишбилармон ва тадбиркорларнинг чет элдаги ҳамкорлари билан фойдали алоқалар боғлаш имконини беради.

Ф. САНАЕВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

• Истиқлол илҳомлари

Зоҳиджон ОБИДОВ

ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

ЮРТГА КЕЛДИ ХУШ
ДАВРОН

Кўкка етмасму кўнгил,
Ўнг боққан замон келди,
Юксал, деб, кифтин тутган
Беҳисоб давон келди.
Қаро булутлар қуришар,
Чақмоқ чақарди бошда,
Қувон, эй дил, юрт узра
Ёришган осмон келди.
Биз сиғинган "даҳлар" —
Эмас экан фаршита,
Баъзисин қилмишидан
Қон исси, фиғон келди.
Адаштириб зеҳнимиз
Жарга чоғлар эканлар,
Хайрият, бу ниқобдор —
Шумликка қирон келди.
Зоҳиджон, шукронага
Қанча ҳисса қўшсанг оз,
Қадримиз, қаддимизни
Тиклаган даврон келди.

МАШҲУРИ ЖАҲОН
ЭТДИ

Қувон кўнгил, Истиқлол
Элга эрк эҳсон этди,
Мутелик занжирларин

Поралаб яксон этди.
Қадриятга ўқ отган,
Тарихга тупроқ тортеган
Шумликларга ўргатган
Сирларни аён этди.
Неча юз йиллаб шундай
Айемга муштоқ эдик,
Истиқлол дину тилим
Таҳқирдан омон этди.
Қараб, кўзларим, қувон,
Юртда файзу фасоҳат,
Хуфтон дилларни даврон —
Тондек нурафшон этди.
Қурбонларнинг қонидан,
Фидоийлар жонидан
Бунёд бу Мустақиллик
Бошимиз осмон этди.
Зоҳиджон, эт тарона,
Истиқлол берган айём —
Она Ўзбекистонни
Машҳури жаҳон этди.

ЧИҚДИ ХАЛОСКОР
ОФТОБ

Минг шукр, эркимизнинг авжига
офтоб чиқди,
Тобе тутган тузумнинг замини
нобоб чиқди.



Юз буриб азизлардан,
Ўзгаларни ед этдик.
Янчиб фидоийларни, қотилларни
шод этдик,
Зоҳиджон, қувон энди, халоскор
офтоб чиқди.

ҚЎЛНИ БЕРИБ
ҚЎЛЛАРГА

Истиқлолнинг шуури машғалдир
онгимизга,
Кўримокда нурафшон манзиллар
кўзимизга.
Истиқболнинг шамоли урмоқда
кўксимизга,
Дўстим, бўлгил зафардош, қўлни
бериб қўлларга!

Чорлар кетма-кет чўққи, ҳар зум
имтиҳон кутар,
Хали кўп норасолик, мардлик
майдонда ютар.
Ватан фидоийлик — тантанилик
йўлин тутар,
Дўстим, бирга давон ош, қўлни
бериб қўлларга.

Эзгулик фарқ этмайди миллат,
мазҳабни асло,
Истиқлол журъат берди, эзгулик
пок дилга жо.
Зоҳиджон, аҳил элнинг йўли
албат пурзиё,
Дўстим, бирга қайнаб тош,
қўлни бериб қўлларга.

Ўзин одил кўрсатган замон
ноинсоф чиқди,
Ваъда этилган жаннат аслида
сароб чиқди.

Қуритмоқчи эканлар ўтмишим
илдизларин,
Қийратмоқчи эканлар тарихим
юлдузларин.
Қарам тутган замоннинг кўрдик
қабих изларин,
Дабдабали шорлар зимини
зардоб чиқди.

Адо бўлди шум даврон беҳосият
туш каби,
Кимўзарга мақтардик бийрон
тўтиқуш каби.
Яшамиз афсусларга дуч келган
сархуш каби,
Эл шонган, баъзилар, е тавба,
қаллоб чиқди.

Кечиб дину иймондан, инсофни
барбод этдик,


20 МИНГЛИ
СТАДИОН

Анджонлик футбол иштибоқлари замонавий талабларга жавоб берадиган янги стадионга эга бўлдилар. 20 мингга яқин томошбинини ўз бағрига сиғдира оладиган "Спартак" стадиони вилоятда биринчи марта индивидуал лойиҳа асосида қурилди.
Асосий бунёдкорлик ишларини 162-треста қарашли 1-бощ ва 3-ёрдамчи, шунингдек, бир неча қурилиш божқармалари бажардилар.
Шуниси муҳими, қўшни Қирғизистоннинг ўш қурилиш трести қошидаги 3-қурилиш божқармаси мутасаддилари ҳам байрам совғасига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ўзини ҳаққига кенг қўллади ишларни ажабга оширишда Анджон ил-ғазлама ишлаб чиқариш бирлашмаси маблағ билан тўлинилади.
Ф.ШОПДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Республикаси муносабати билан Тошкент шаҳар Марказий универмагида Республика Енгил саноат уюшмаси, Маҳаллий саноат корпорацияси ҳамда бошқа саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат молларининг кўргазмаси ўтказилапти.
Кўргазмада 30 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари қатнашмоқда. Тошкент чинни заводи, "Миконд" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ташинтерм" кўшма корхонаси, Риштон ҳамда Тошкент сопол идишлари заводлари, Тошкент шаҳрининг "Малика" ҳамда Анджон шаҳрининг трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмалари, "Қизил тон", "Паризод" тикуччилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Республика "Модалар маркази" шулар жумласидандир.
— Савдо ярмаркаси 1 сентябргача давом этади, — дейди универмаг раиси Х. Шарипов. — Харидорларимизнинг республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қисман бўлса ҳам қондирсақ, мақсадга эришдик деб ҳисоблаймиз.

Лобар ҚУЧҚОРОВА,
"Халқ сўзи" муҳбири.

"Шиндонг Энерком Инк." фирмаси
(Корея Республикаси)

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА УНИНГ
ҲАР ТАМОНЛАМА ГУЛЛАБ ЯШНАШИНИ ИСТАЙДИ!



Элим деб, юртим
деб ёниб яшаётган
азиз "Рустамбанк"

мижозлари, ҳамкасблар
ва юртдошлар!

Ўзбекистон

мустақиллигининг 3

йиллиги муносабати билан
барчангизни чин юракдан
табриклаймиз. Сизларга

ТИНЧЛИК, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК
ва мамлакатимиз келажаги

учун қилаётган

ишларингизда улкан

ютуқлар тилаб

"Рустамбанк" жамоаси

Азиз ҳамюртлар!

Мўтабар айём-жонажон Ўзбекистонимиз
давлат мустақиллигининг уч йиллиги
байрами муборак бўлсин. Хонадонингизга
тинчлик, қут-бароқа, ҳар бирингизга
муштаҳкам соғлик, келажаги буюк
Ватанимиз мустақиллигини муштаҳкамлаш
йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар тилаймиз! Юртимизда
иқтисодий ривожлантириш жараёнида
сиз мулк соҳиби бўлиб, республикамиз равнақи
ва ўз фаровонлигингизга эришишда биз сизга
доимо ҳамкоримиз. Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулкни бошқариш ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
қўмитаси. Республика кўчмас мулк биржаси.

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6.

Телефонлар:

(3712) 67-32-71, 68-17-55, 68-44-56.

ЭЪЛОН

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат
Академик драма театри
1994 йил 2 сентябрь куни
ўзининг 77-мавсумини очади

1974 йилда Тошкент шаҳар Фрунзе туманидаги 73-урта мактабни битирган ўқувчилар диққатига:
Шу йил 3 сентябрь, шанба куни Яққасарой туманида жойлашган 73-урта мактабни 20 йил аввал битирган барча ўқувчилар учрашув ва дийдор кўришиш учун таклиф этилади.
Тадбирлар соат 10 да қадрдон мактабда бошланади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, республика телевиденисининг директори
Уктам ЖОБИРОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур таъзия назор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир —
А. Йулдошев, навбатчи —
Ш. Мутаҳҳархон ўғли.